

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ТАНИРБЕРГЕНОВ РАСУЛБЕК МУРАТБЕКОВИЧ

**ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ
ҚУВВАТНИ РОСТЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАР АСОСИДА ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Танирбергенов Расулбек Муратбекович

Энергетика тизимлари энергия самарадорлигини қувватни ростловчи
қурилмалар асосида ошириш 3

Танирбергенов Расулбек Муратбекович

Повышение энергоэффективности энергетических систем на основе
устройств регулирования мощности 19

Tanirbergenov Rasulbek Muratbekovich

Increasing the energy efficiency of energy systems based on power control
devices..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 39
List of published works.....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
ЭНЕРГЕТИКА МУАММОЛАРИ ИНСТИТУТИ**

ТАНИРБЕРГЕНОВ РАСУЛБЕК МУРАТБЕКОВИЧ

**ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМЛАРИ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ
ҚУВВАТНИ РОСТЛОВЧИ ҚУРИЛМАЛАР АСОСИДА ОШИРИШ**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2025

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.PhD/T2677 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасига (www.energetika.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Хамидов Шухрат Вахидович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Худаяров Музаффар Бурханович
техника фанлари доктори, профессор

Юсунов Дилмурод Турдалиевич
техника фанлари бўйича фалсафа доктори,
катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2021.T.143.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «28» февраль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 40. Тел.: (99855) 520-01-52; e-mail: energetika_in@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100125, Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 40. Тел.: (99855) 520-01-52).

Диссертация автореферати 2025 йил «13» февральда тарқатилди.

(2025 йил «12» февральдаги 1 рақамли реестр баённомаси)



Х.М. Муратов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, техника фанлари доктори, профессор

Ж.Н. Толипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим

О.Х. Ишнароров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда энергия самарадорлигининг муҳим омилларидан бири энергетика тизими параметрларига интеллектуал таъсир кўрсатиш орқали электр режимларини бошқариш даражасини ошириш ҳисобланиб, электр тармоқлари параметрларига таъсир кўрсатишнинг янги тамойилларини ишлаб чиқишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларда “...электр тармоқларида қувватларнинг нораціонал тақсимланиши туфайли электр энергияси исрофлари истеъмол қилинаётган электр энергияси умумий ҳажмининг ўртача 10-15% ташкил этади”¹. Бу борада электр тармоқлари параметрларини ростлашнинг замонавий қурилмаларини жорий этган ҳолда, жумладан, мослашувчан электр узатиш тизимлари технологияси асосида электр энергияси исрофларини камайтириш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда актив ва реактив қувватларни узатиш жараёнида энергия самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш ҳамда энергетика тизимининг бошқарилувчанлигини яхшилашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, кучланишни бошқаришнинг янги алгоритмлари ва усуллари ишлаб чиқиш, қувват исрофларини камайтириш бўйича тадқиқотлар устувор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, электр тизимининг самарадорлиги ва ишончлилигини оширишга қодир янги технологиялар ва тизимларни ишлаб чиқиш ва қўллаш, умуман электр энергетикасининг ривожланишига таъсир кўрсатувчи мослашувчан электр узатиш тизимлари технологияси (FACTS), Smart Grid (ақлли тармоқлар) ва қайта тикланувчи энергия манбалари каби замонавий технологиялар билан уйғунлаштириш масалалари долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда энергия ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш мақсадида янги технологик ечимларни ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва жорий этиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида, жумладан, «Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда “Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 20 фоизга ошириш»² вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, электр тармоғида узатилаётган қувватларни бошқариш орқали энергия самарадорлиги ва ишончлилигини оширишни ҳал этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

¹IEEE (Institute of Electrical and Electronics Engineers) - Электроника, электротехника, компьютер технологиялари, телекоммуникациялар, автоматлаштириш ва тегишли фанлар бўйича мутахассисларни бирлаштирган дунёдаги энг йирик профессионал ташкилот. Ташкилот, шунингдек, техник стандартларни ишлаб чиқиш билан шуғулланади ва тадқиқот ва таълим ташаббуслари орқали инновацияларни қўллаб-қувватлайди.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ва 2023 йил 28 сентябрдаги ПФ-166-сон “Энергетика соҳасини ислох қилишнинг навбатдаги босқичини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон “Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора тадбирлари тўғрисида” ва 2022 йил 6 июлдаги 307-сон “2022-2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг инновацион ривожланиш стратегиясини амалга ошириш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар республика фан ва технологиялари ривожланишининг 2. «Энергетика, энергия тежамкорлик ва муқобил энергия манбалари» устувор йўналишларига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида мослашувчан электр узатиш тизимлари технологиясидан фойдаланган ҳолда энергетика тизимларининг энергия самарадорлиги ва ишончлилигини таъминлаш бўйича кенг кўламли тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, Россия Фанлар академиясининг Меленьтев номидаги Энергетика тизимлари институти (МЭТИ), «Москва энергетика институти» МТУ (Россия), Иваново давлат энергетика университети» (Россия), Electric Power Research Institute ва University of Michigan (АҚШ), Stafford shire University (БҚ), Tampere University (АҚШ), Pirkkanmaa (Финляндия), Унидад Гуадалахара (Мексика), ЎЗР ФА Энергетика муаммолари институти ва Тошкент давлат техника университетида олиб борилмоқда.

Электр тармоқларининг энергия самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш ҳамда иш режимларини бошқариш бўйича дунёнинг бир қатор олимлари, жумладан: Веников В.А., Воропай Н.И., Мисриханов М.Ш., Рябченко В.Н., Ситников В.Ф., Розанов Ю.К., Руденко Ю.Н., Соколов Н.И., Чемборисова Н.Ш., Чебан В.М., Шакарян Ю.Г., Андерссон Г., Ҳингорани Н.В., Ачажадаги Э., Лию Х., Сантос А. ва бошқалар ўз ҳиссаларини қўшганлар.

Республикада энергетика тизимлари энергия самарадорлиги, ишончлилиги ва барқарорлигини ошириш ҳамда электр режимларини ҳисоблаш, уларни оптималлаштиришга қаратилган усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга Фозилов Х.Ф., Заҳидов Р.А., Аллаев К.Р., Насиров Т.Х., Гайибов Т.Ш., Ситдиқов Р.А., Хамидов Ш.В., Шарипов У.Б., Худаяров М.Б., Мирзабаев А.М. каби маҳаллий олимлар катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Бироқ, сезиларли муваффақиятларга қарамай, узатилаётган қувватни ростлашда

замонавий қурилмаларини қўллаш усулларини ишлаб чиқиш ва ривожлантириш, шунингдек, турли хил тебранишларнинг электр тармоғи энергия самарадорлиги ва ишончилигига таъсири, математик моделлар ва симуляцион моделларни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Энергетика муаммолари институтининг 2022-2025 йилларга мўлжалланган «Энергетикани ривожлантириш ишончилиги ва хавфсизлигини таъминлашнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот дастури доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади FACTS технологиясидан фойдаланиб электр тармоқларининг қувват йўқотишларини камайтириш орқали энергетика тизимининг энергия самарадорлигини оширишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

энергетика тизимлари режимининг меъёрий параметрларини таъминлаш масалаларини ечиш учун FACTS қурилмалари турларини танлашни тадқиқ этиш;

FACTS қурилмалари билан электр тармоқларининг математик моделларини ишлаб чиқиш;

FACTS қурилмалари билан электр тармоғининг барқарорлашган режимини ҳисоблаш алгоритми, блок-схемаси ва дастурини яратиш;

тармоқларда тугун кучланишларини яхшилаш ва қувват исрофларини камайтириш учун FACTS қурилмаларини ўрнатиш жойини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўзгарувчан токни узатишнинг мослашувчан тизимлари қурилмали энергетика тизимининг электр тармоқлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети FACTS технологиясини жорий этиш методикасини ишлаб чиқиш ва электр тармоғининг энергия самарадорлиги ҳамда ишончилигини ошириш моделларини яратишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, математик моделлаштириш, электр тизимларининг иш режимларини ҳисоблаш, оптимал бошқариш назарияси ва усуллари ҳамда замонавий рақамли моделлардан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қувватни ростловчи қурилмаларининг (STATCOM ва SVC) реактив қувват компенсациясида электр тармоғидаги асосий режим параметрларига таъсирини аниқлаш имконини берувчи математик моделлар Нютон-Рафсон усули асосида ишлаб чиқилган;

электр тармоқларида генерация ва юклама томонидан берилган ташқи таъсирлар асосида FACTS қувватни бошқариш қурилмаларининг функционал имкониятларини аниқлаш учун STATCOM ва SVC қурилмаларининг симуляцион моделлари яратилган;

энергетика тизимлари энергия самарадорлигини ошириш имконини берувчи усул қувватни ростловчи қурилмаларига (FACTS) эга тармоқларнинг барқарорлашган режим параметрлари ўзгаришини ҳисобга олиб Ньютон тенгламалари асосида ишлаб чиқилган;

энергетика тизимининг қувват йўқотишлари ва оғиш параметрларини баҳолаш учун тармоқнинг режимини ҳисоблаш орқали FACTS қурилмаларини ўрнатиш нуқтасини аниқлаш усули қувватлар баланси асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

FACTS технологияси асосида энергетика тизимининг энергия самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш имкониятлари аниқланган;

FACTS қурилмаларининг асосий параметрлари ва электр тармоғи параметрлари ўртасидаги боғлиқлик белгиланган;

FACTS технологияси белгиланган талаблар доирасида технологик жараённинг нормал режими ва энергия-ресурслари тежамкорлигини таъминловчи кучланиш ва реактив қувватни бошқариш объекти сифатида ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги энергетика тизимининг электр тармоқларида содир бўладиган жараёнларни моделлаштириш учун амалда синалган илғор математик ва симуляцион усуллардан фойдаланилганлиги ҳамда бажарилган ҳисоб-китоблар ва симуляция натижаларининг ўзаро мос келиши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр тармоқлари режимларини бошқариш усулларини такомиллаштириш ва ривожлантириш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш билан изоҳланади. Бу эса меъёрий иш режимларини таъминлаш учун интеллектуал технологияларни қўллаш орқали электр тармоқлари параметрларига таъсир кўрсатиш усули ва алгоритминини ишлаб чиқиш натижасида эришилади. Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти энергетика тизими параметрларига интеллектуал таъсир кўрсатиш орқали электр режимларини бошқариш даражасини ошириш асосида энергия йўқотишларини камайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Электр тармоқларида қувватни бошқариш қурилмаларидан фойдаланиб, қувват йўқотилишларини камайтириш ва тармоқдаги кучланиш даражаларини ростлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

электр тармоқларининг барқарор режими параметрларини ҳисоблаш алгоритми ва дастурий маҳсулоти, электр тармоғида тебранишлар пайтида қувват йўқотилишларини камайтириш ва кучланишларни ростлаш бўйича тавсиялар Ўзбекистон энергетика тизимининг Шимолий-Ғарбий тугунига жорий этилган (“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2024 йил 28 октябрдаги 01-01-25/182-сонли маълумотномаси). Натижада Беруний подстанциясининг шиналардаги кучланишни 217,8 кВ дан 220 кВ гача ошириш ва Шимоли-Ғарбий тугун бўйича қувват йўқотилишларини ўртача 144 МВтга (1,25%) камайтириш имконини берган;

қувват ва кучланишни ростлаш технологияси (Flexible AC Transmission Systems) “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ Тахиатош худуди Беруний подстанциясига жорий этилган (“Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖнинг 2024 йил 28 октябрдаги 01-01-25/182-сонли маълумотномаси). Натижада Ўзбекистон энергетика тизимининг Шимоли-ғарбий тугунида қувватни ростловчи қурилмалар асосида ўртача қувват йўқотилишини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш ҳисобига иқтисодий самарадорлик ойига 93 600 000 сўмни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та илмий-техник анжуманда, жумладан, 3 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилди, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси хорижий ва 5 таси республика журналларида нашр этилди, 1 та монография илмий нашрда чоп этилди, 2 та ЭҲМ учун дастурий маҳсулотга гувоҳнома олинди.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 105 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ўзгарувчан токли бошқариладиган мослашувчан электр узатиш технологияси – FACTS қўлланилиши таҳлили**» деб номланган биринчи бобида реактив қувватни тартибга солиш муаммолари, асосий параметрларни бошқариш, қайта тикланадиган энергия манбаларининг таъсири, реактив қувват етишмаслиги шароитида электр тизимларининг барқарорлиги ва FACTSнинг электр тармоқларидаги параметрларга таъсири соҳасида олиб борилган илмий тадқиқотлар таҳлил қилинган. FACTS технологиясини қўллаш масалалари, ишлаш принципи, энергетика тизими электр тармоқларининг режим параметрлари ва ишончилигини яхшилаш учун қурилмаларнинг асосий функциялари ҳамда хусусиятлари кўриб чиқилган.

Мамлакатимиз электр энергетикасининг ўзига хос хусусияти шундаки, юклама марказлари ва электр станциялари ўртасида катта масофалар мавжуд. Бу эса, паст қаршиликли кўп сонли қувватли электр узатиш линиялари туфайли қувват оқимининг жуда узун ҳалқалар бўйлаб ўтишига олиб келади. Амалда ҳар

бир магистраль электр узатиш тизимида бир нечта асосий ва кўп сонли иккинчи даражали ҳалқасимон оқимлар мавжуд.

FACTS технологияси аниқ бошқарув вазифаси талабларига кўра турли хил тузатиш ҳаракатларини амалга ошириш имконини беради. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, электр тармоқларидаги компенсацияловчи қурилмалар қувватининг тахминан 2/3 қисмини 0,4 кВ ли тармоқларга, 25% ини 6-10 кВ ли тармоқларга, қолган 5% ини эса 110 кВ ва ундан юқори кучланишли тармоқларга ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Ўтказилган таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**FACTS технологияларини қўллаган ҳолда энергетика тизимини математик моделлаштириш**» деб номланган иккинчи бобида FACTS технологиялари қурилмалари билан жиҳозланган энергетика тизимларининг ишлаш режимларини самарали ҳисоблашнинг асосий усуллари баён этилган.

Бошқариладиган куч қурилмаларида жараёнларни моделлаштириш учун қўлланиладиган математик усулларни икки тоифага бўлиш мумкин: кетма-кет ечимларни излаш усуллари ва бир вақтнинг ўзида ечимларни излаш усуллари.

Кетма-кет ёндашув Ньютон-Рафсон алгоритмларини амалга оширишни бошқариш нуқтаи-назаридан самаралидир.

Ньютон усули нозичиқли тенгламаларнинг илдизларини топишнинг итерацион усулидир. STATCOM (FACTS) контекстида ушбу усул тармоқ ҳолатини таҳлил қилишда юзага келадиган нозичиқли тенгламалар тизимини ечиш учун қўлланилади.

Тенгламалар тизимини шакллантириш:

$$F(x) = \begin{bmatrix} F_1 \\ F_2 \\ F_3 \\ F_4 \end{bmatrix} = 0$$

бу ерда F - тизим динамикасини тавсифловчи функциялар вектори.

Якобианни ҳисоблаш: x ўзгарувчилар бўйича F функцияларнинг хусусий ҳосилаларини ўз ичига олган Якоби матрицаси аниқланади.

Итерация жараёни: Ҳар бир итерацияда илдизга яқинлашиш янгиланади:

$$x_{k+1} = x_k - J^{-1}(F(x_k))$$

Бу қадам x нинг ўзгариши белгиланган чегарадан кичик бўлмагунча такрорланади.

STATCOM моделида тизимнинг бошланғич ҳолати (кучланиш, ток, юклама параметрлари) берилади ва тармоқда ўзгариш (кучланиш ёки юкломанинг кескин ўзгариши) дан кейин янги ҳолатни топиш учун Ньютон усули қўлланилади.

Тугун учун Кирхгоф қонунига кўра:


$$F_1: I_{STATCOM} + I_{юкл.} = I_{тарм.}$$

бу ерда $I_{\text{юкл.}}$ - юк токи, $I_{\text{тарм.}}$ эса тармоқдан келаётган ток ҳисобланади. Ушбу тенглама STATCOM токини юк токи ва тармоқдан келаётган ток билан боғлайди.


STATCOM уланиш нуқтасидаги кучланиш:

$$F_2: \quad U_{\text{юкл.}} = U_{\text{тарм.}} - I_{\text{STATCOM}} \cdot Z$$

бу ерда Z - чизик импеданси. Бу тенглама STATCOM токига боғлиқ равишда юкланишдаги кучланишнинг ўзгаришини тавсифлайди (1- ва 2-расмлар).



1-расм. FACTS қурилмаларига эга ЭЭТ Якобиан тузилиши



2-расм. STATCOM статик реактив қувват компенсаторининг алмаштириш схемаси

STATCOM томонидан ишлаб чиқарилган реактив қувват:

$$F_3: \quad Q = U_{\text{STATCOM}} \cdot I_{\text{STATCOM}} \cdot \sin(\theta)$$

бу ерда θ - STATCOM кучланиши ва у ҳосил қилган ток ўртасидаги фазалар фарқи.

STATCOM тескари алоқа тизими орқали бошқарилади. Бошқарув тенгламалари қуйидагиларни ўз ичига олади:

Юкламадаги жорий кучланишни берилган қиймат билан солиштирувчи ва U_{STATCOM} ни мослаштирадиган кучланиш ростлагичи;

Юклама ўзгаришларига асосланиб, зарур бўлган реактив қувват Q ни аниқлаш алгоритмлари.

Ростлагич учун тенглама:

$$F_4: \quad U_{\text{STATCOM}} = K(U_{\text{таянч}} - U_{\text{юкл.}})$$

бу ерда K - ростлагичнинг кучайтириш коэффиценти, $U_{\text{опор.}}$ - таянч кучланиши.

Матрицанинг ўлчами 4x4 бўлган Якобианни ҳисоблаймиз, чунки 4 та тенглама ва 4 та ўзгарувчи (I_{STATCOM} , U_{STATCOM} , $U_{\text{юкл.}}$, Q).

Хусусий ҳосилалар:

$$F_1 \text{ учун} \quad \frac{\partial F_1}{\partial I_{\text{STATCOM}}} = 1, \quad \frac{\partial F_1}{\partial I_{\text{юкл.}}} = 1, \quad \frac{\partial F_1}{\partial I_{\text{тарм.}}} = -1, \quad \frac{\partial F_1}{\partial Q} = 0;$$

$$F_2 \text{ учун:} \quad \frac{\partial F_2}{\partial I_{\text{STATCOM}}} = Z, \quad \frac{\partial F_2}{\partial U_{\text{юкл.}}} = -1, \quad \frac{\partial F_2}{\partial U_{\text{тарм.}}} = 1, \quad \frac{\partial F_2}{\partial Q} = 0;$$

$$F_3 \text{ учун:} \quad \frac{\partial F_3}{\partial I_{\text{STATCOM}}} = -U_{\text{STATCOM}} \cdot \sin(\theta),$$

$$\frac{\partial F_3}{\partial U_{\text{STATCOM}}} = -I_{\text{STATCOM}} \cdot \sin(\theta),$$

$$\frac{\partial F_3}{\partial \theta} = -QU_{\text{STATCOM}} \cdot \cos(\theta), \quad \frac{\partial F_{13}}{\partial Q} = 1;$$

$$F_4 \text{ учун: } \frac{\partial F_4}{\partial U_{STATCOM}} = I, \quad \frac{\partial F_4}{\partial U_{\text{юкл.}}} = K, \quad \frac{\partial F_4}{\partial U_{\text{таянч.}}} = -K, \quad \frac{\partial F_4}{\partial Q} = 0.$$

Якоби матрицаси (1-расм)

$$J = \begin{bmatrix} 1 & 1 & 1 & 0 \\ Z & -1 & 1 & 0 \\ -U_{STATCOM} \cdot \sin(\theta) & -I_{STATCOM} \cdot \sin(\theta) & -QU_{STATCOM} \cdot \cos(\theta) & 1 \\ 1 & K & -K & 0 \end{bmatrix}$$

Ўзгарувчилар учун бошланғич қийматлар берилди

$$x = [I_{STATCOM} \quad U_{\text{тарм.}} \quad U_{STATCOM} \quad Q]^T$$

$F(x)$ ва J ҳисобланади, кейин тузатишлар топилади

$$\Delta x = -J^{-1}F(x)$$

Ўзгарувчиларнинг қийматлари янгиланади


$$x_{\text{нов.}} = x + \Delta x$$

Ўзгариш белгиланган чегарадан кам бўлмагунча такрорланади

$$\|F(x_{\text{янг.}})\| < \varepsilon \text{ или } \|x_{\text{янг.}} - x\| < \varepsilon$$


STATCOM билан электр тармоғининг бундай математик модели кўп параметрли тизимлардаги мураккаб ўзаро таъсирларни ўрганиш учун кучли воситадир ва реактив қувватни бошқаришнинг замонавий усуллари қўллаш имконини беради.

Диссертациянинг «FACTS қурилмалари билан электр тармоқларининг симуляцион моделларини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобда MATLAB/Simulink симуляцион муҳитида FACTS қурилмаларининг ишлаши таҳлил қилинган.




3-расм: а) - Электр тармоғини алмаштириш схемаси, б) - MATLAB/Simulink муҳитидаги модель

MATLAB/Simulink дастурида STATCOM қурилмаси моделини симуляция қилишнинг асосий шarti электр тизими кучланишининг юқори қисмини имитацияловчи кучланиш манбаи орқали электр тармоғига таъсир ўтказишдир. Кўриб чиқилаётган тармоқ таъминот манбаи, электр узатиш линиялари, ўлчов қурилмаси, иккита юкланма ва STATCOM қурилмасидан ташкил топган (3-расм).



а)



б)

4-расм. Тармоқнинг асосий параметрлари графиги: а) STATCOM сиз (қизил рангда кучланиш ва реактив қувватнинг таянч қийматлари, кўк рангда нисбий бирликда жорий қийматлар белгиланган); б) STATCOM билан

Моделда берилган ғалаёнланиш тури тармоқдаги кучланиш тебранишидир. STATCOM қурилмаси 1,5 сония давомида реактив қувватни компенсация қилиш орқали тармоқ параметрларининг ўзгаришига жавоб қайтаради. Кучланиш манбаи кўзғалишни [0 0,3 0,7 0,9] сония вақт оралиқларида, кучланиш тебранишларини эса [1 1,1 0,9 1] нисбий бирликларда 500 кВ кучланиш амплитудасига нисбатан беради (4-расм). STATCOM уланиш нуқтасидаги кучланишни бошқаради: тармоқ кучланиши пасайганда, STATCOM кучланишни талаб қилинган даражада ушлаб туриш учун реактив қувват ишлаб чиқаришни бошлайди; агар тармоқ кучланиши кўтарилса, STATCOM кучланишни пасайтириш учун реактив қувватни ютишни бошлайди.

STATCOM блоки созламаларида унинг чиқиш сигналларига таянч қийматлар берилади. Базис параметрларнинг қийматлари «Measurements» блоки орқали берилади, бу ерда $S_6=1000$ МВА, $V_6=500$ кВ. 1-жадвалда кучланиш ва реактив қувват сакрашларининг энг юқори қийматларини таққослаш келтирилган.

1-жадвал

Тармоқ параметрларининг энг юқори қийматлари

а) STATCOM қурилмаси билан

STATCOM	0-0.3 с.	0.3-0.7 с.	0.7-0.9 с.	0.9-1.5 с.
V_m (о.е. / кВ)	1 / 500кВ	1.061 / 530,5кВ	-(0.9 / 450кВ)	1.043 / 521,5кВ
V_{ref} (о.е. / кВ)	1 / 500кВ	1 / 500кВ	1 / 500кВ	1 / 500кВ
Q_m (о.е. / МВА)	0 / 0 МВА	0.736 / 736 МВА	-(0.837 / 837 МВА)	-(0.6 / 600 МВА)
Q_{ref} (о.е. / МВА)	-	-	-	-

б) STATCOM қурилмасисиз

FACTS қурилмасиз	0-0.3 м	0.3-0.7 с.	0.7-0.9 с.	0.9-1.5 с.
V_m (о.е. / кВ)	1 / 500кВ	1.093 / 546.5кВ	-(0.9 / 450кВ)	-(0.914 / 457кВ)
V_{ref} (о.е. / кВ)	1 / 500кВ	1 / 500кВ	1 / 500кВ	1 / 500кВ
Q_m (о.е. / МВА)	0 / 0 МВА	1.12 / 1120 МВА	-(0.963 / 963 МВА)	-(0.986 / 986 МВА)
Q_{ref} (о.е. / МВА)	-	-	-	-

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, STATCOM сакрашларнинг тез сўнишига ёрдам беради:


STATCOM билан тармоқ 0,93 сонияда барқарорлашади;

STATCOMсиз тармоқ 1,1 сонияда барқарорлашади.

Диссертациянинг «FACTS қурилмалари билан электр тармоғининг барқарорлашган режимини ҳисоблаш алгоритми, блок схемаси ва дастурини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобида блок схемаси ва тугун кучланишлар тенгламасини (ТКТ) ҳисоблаш дастури, қувватни ростлаш қурилмаларини ўрнатиш жойини аниқлаш усули ишлаб чиқилган, FACTS технологиясини қўллашнинг техник-иқтисодий самарадорлиги баҳоланган.

FACTS қурилмасини ўрнатиш жойини аниқлаш. FACTS қурилмаларини қўллашнинг техник мақсадга мувофиқлиги барқарорлашган режимларни, энергетика тизимининг турғунлигини ва турли аварияларда ўтиш жараёнларини ҳисоблаш натижалари асосида аниқланади.

FACTS қурилмасини оптимал ўрнатиш жойини топиш учун электр тармоғининг ўрнатилган режимини ҳисоблаш керак. Ушбу масалани ечиш учун тугун кучланишлар усули (ТКУ) танланди ва унинг асосида Декарт ва қутб координаталарида қувват баланси тенгламалари билан Ньютон усули орқали электр режимини ҳисоблаш алгоритми, блок схемаси ва дастури ишлаб чиқилди (5-расм).



5-расм. Электр режимини КТТ усули билан ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган дастурнинг блок-схемаси

Ўрнатилган режимнинг чизикли бўлмаган тугунли тенгламаларини (ТТ) сонли ечишда шартли равишда тўрт гуруҳга бўлинадиган турли хил итерацион усуллардан фойдаланиш мумкин: тўғри итерация усуллари; чизикли бўлмаган ТТларни ҳар бир қадамда (Ньютон усули, градиент ва бошқалар) ТТ Якобианидан фойдаланган ҳолда чизикли бўлишига асосланган усуллар.

STATCOM ва SVC қурилмаларининг ишлашини таҳлил қилиш учун тугунли тест схемаси қабул қилинган. Техник баҳолаш учун FACTS

қурилмаларини жорий этишдан олдин ва кейин тармоқнинг максимал ва минимал иш режимлари учун бир қатор ҳисоб-китоблар ўтказилади.

ТТ ечимидан кейин олинган тармоқ тест схемасининг барқарорлашган режими параметрлари. 2 ва 3 жадвалларда умумий йўқотишлар ва параметрларнинг тебранишлари максимал бўлган нуқталар (тугунлар) кўрсатилган. Таъсир турига қараб FACTS қурилмаси танланади.

Ҳисоблашлар таҳлили шуни кўрсатадики, 5 ва 13 тугунлар энг катта оғишларга эга. STATCOM нинг 5-тугунга ва SVCнинг 13-тугунга ўрнатилиши кучланишнинг меъёрий чегарада барқарорлашувига, тармоқда умумий қувват йўқотишларининг камайишига олиб келди. Шу билан бирга, STATCOM ва SVC электр тармоғининг барқарорлигини таъминлаш учун тезкор жавоб берувчи қурилмалар сифатида ишлайди.

2-жадвал

FACTS қурилмаларисиз электр тармоғининг 32 тугунли схемасида йўқотишларни ҳисоблаш

i-j тармоқ	U _i , кВ	U _j , кВ	R, Ом	X, Ом	Z, Ом	Ктр	I _{ij} , А	i-даги P _{ij}	j-даги P _{ij}	Йўқотишлар МВт
0-1	525,00	514,01	3,00	32,50	32,64	1	0,34	176,7	173,08	3,70
1-2	514,01	494,98	0,58	61,10	61,10	1	0,31	160,0	154,16	5,93
2-3	494,98	260,48	1,45	56,75	56,77	1	0,00	0,58	0,58	0,00
2-4	494,98	126,82	1,45	56,75	56,77	3,9	0,01	3,33	3,33	0,00
3-5	245,48	257,88	0,60	4,13	4,17	1	0,62	162,3	160,72	1,62
.....
15-29	519,41	518,60	1,53	47,00	47,02	1	0,02	8,77	8,76	0,01
29-30	518,60	517,60	0,58	61,10	61,10	1	0,02	8,32	8,31	0,02
30-31	517,60	10,13	2,90	113,5	113,54	50	0,01	4,92	4,91	0,01
30-32	517,60	118,00	1,45	56,75	56,77	4,7	0,00	0,00	0,00	0,00
							Умумий йўқотишлар (МВт)			35,11


3-жадвал

STATCOM ва SVC ўрнатилган 32 тугунли электр тармоғи схемасидаги йўқотишларни ҳисоблаш


i-j тармоқ	U _i , кВ	U _j , кВ	R, Ом	X, Ом	Z, Ом	Ктр	I _{ij} , А	i-даги P _{ij}	j-даги P _{ij}	Йўқотишлар МВт
0-1	525,0	519,1	3,0	32,5	32,6	1,0	0,2	94,6	93,5	1,1
1-2	519,1	501,0	0,6	61,1	61,1	1,0	0,3	154,4	149,0	5,4
2-3	501,0	263,6	1,5	56,8	56,8	1,9	0,0	0,6	0,6	0,0
2-4	501,0	128,4	1,5	56,8	56,8	3,9	0,0	0,6	0,6	0,0
3-5	223,6	261,1	0,6	4,1	4,2	1,0	0,6	159,2	157,7	1,5
....
15-29	532,7	531,9	1,5	47,0	47,0	1,0	0,0	8,8	8,8	0,0
29-30	531,9	531,0	0,6	61,1	61,1	1,0	0,0	8,2	8,2	0,0
30-31	531,0	10,6	2,9	113,5	113,5	50,0	0,0	-0,2	-0,2	0,0
30-32	531,0	113,0	1,5	56,8	56,8	4,7	0,0	0,4	0,4	0,0
							Умумий йўқотишлар (МВт)			29,0

Ўзбекистон бирлашган энергетика тизимида (БЭТ) йўқотишларни камайтириш, энергетик тизим электр тармоғининг энергия самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш учун: максимал ва минимал режимларнинг статистик параметрлари, шу жумладан Ўзбекистон БЭТнинг Шимоли-Ғарбий зонаси

(Тахиатош зонаси) таҳлил қилинди; кучланиш тебранишлари Тахиатош энергетика тизими ҳудудида максимал бўлган “муаммоли” шина аниқланди; тадқиқот натижаларига кўра, FACTS қурилмасининг тури ва қуввати Тахиатош энергетика тизими ҳудудида FACTS қурилмасини ўрнатиш жараёни бир қатор максимал ва минимал энергетика тизимлари режимларини ҳисобга олган ҳолда танланди.



6-расм. Тахиатош зонаси схемаси ва унинг параметрлари: а) FACTS қурилмасисиз, б) FACTS қурилмаси билан



7-расм. Хоразм ПС схемаси ва унинг параметрлари: а) FACTS қурилмасисиз, б) FACTS қурилмаси билан

FACTS қурилмаларини қўллашнинг техник мақсадга мувофиқлиги энергетика тизимидаги барқарор режимларнинг параметрлари, энергетика тизимининг барқарорлиги ва турли аварияларда ўтиш жараёнлари асосида белгиланади.

Кучланишнинг энг катта тушиши 220 кВ синфдаги Беруний подстанцияси (ПС) шиналарида кузатилади ва амалда 217,8 кВ ни ташкил этади (6-расм).

Йўқотишларни камайтириш ва кучланиш даражасини рухсат этилган чегараларда ушлаб туриш учун ҳисоблашлар серияси натижаларига кўра компенсация қуввати ± 20 МВАр бўлган FACTS қурилмаси танланди. Беруний ПС шиналаридаги FACTS қурилмаси билан тармоқ параметрлари 6-расмда келтирилган (қурилманинг қуввати ± 20 МВАр бўлган Хоразм ПС учун ҳам ҳисоб-китоблар амалга оширилди, маълумотлар 7-расмда келтирилган).

4-жадвал

Ўзбекистон электр тизимининг Тахиатош ҳудудида FACTS қурилмасининг кучланиш $\pm 5\%$ тебраниши режимидаги таъсири

Олинган натижалар	Жами йўқотишлар		Йўқотишлар фарқи
	FACTS қурилмасисиз	FACTS қурилмаси билан	
Максимал тармоқ режимида, [МВт]	15,6	15,4	0,2
Тармоқнинг минимал режимида, [МВт]	16,2	16	0,2
Ўртача йўқотиш қиймати, [МВт]	15,9	15,7	0,2
Ўртача ойлик йўқотишлар, [минг кВт*соат]	11448	11412	144

4-жадвалда FACTS қурилмасининг Ўзбекистон БЭТдаги Тахиатош ҳудудига таъсирини баҳолаш келтирилган.

4-жадвалда келтирилган натижалардан келиб чиқиб, бир ойдаги электр энергияси йўқотишларининг фарқи қуйидагича бўлди:

$$W_3 = W_1 - W_2 = (P_{\text{ўр.1}} - P_{\text{ўр.2}}) \times t_{\text{ой.с.}} = (15,9 - 15,7) \times 24 \times 30 = 144 \text{ МВт} \cdot \text{с}$$

бу ерда $P_{\text{ўр.1}}$ ва $P_{\text{ўр.2}}$ - FACTS қурилмалари билан ва уларсиз вақт бирлиги учун ўртача қувват йўқотишлари; $t_{\text{ой.с.}}$ - ойдаги соатлар сони; W_1 ва W_2 - FACTS қурилмалари билан ва уларсиз йиллик электр энергияси йўқотишлари (йўқотишлар фарқи 1,25%).

Саноат ва аҳоли учун ўртача тариф $T = 650 \frac{\text{сум.}}{\text{кВт} \cdot \text{соат}}$ бўлганда FACTS ўрнатишнинг бир ойдаги кутилаётган иқтисодий самарадорлик

$$E = T \times W_3 = 650 \frac{\text{сум.}}{\text{кВт} \cdot \text{соат}} \times 144 \times 103 \text{ кВт} \cdot \text{соат} = 93,6 \text{ млн сўмни ташкил этади.}$$

ХУЛОСА

“Энергетика тизимлари энергия самарадорлигини қувватни ростловчи қурилмалар асосида ошириш” мавзусидаги техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулоса тақдим этилган:

1. Замонавий электр тармоқларида FACTS технологиясини қўллаш масалалари тадқиқ қилинди. FACTS технологиясининг функционал имкониятлари, уларнинг электр тармоғининг барқарорлиги ва ишлаш самарадорлигига таъсири таҳлил қилинган. Натижада электр тармоқларининг режим барқарорлиги ва бошқарилувчанлигини ошириш учун FACTS технологиясини қўллашнинг юқори самарадорлиги аниқланди.

2. Электр тармоқларининг режим параметрларини назорат қилиш ва бошқаришга мўлжалланган FACTS қурилмалари мажмуи тадқиқ қилинди. Натижада FACTS қурилмаларини қўллаш: энергетика тизимини бошқаришнинг

ишончлилиги ва мослашувчанлигини ошириш; кучланишларни оптимал ростлаш ва қувват оқимларини бошқариш, электр тармоқларида электр энергияси исрофларини камайтириш ва энергия самарадорлигини ошириш; электр узатиш линияларининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш ва электр тармоқларининг ортиқча юкланиш эҳтимолини камайтириш имконини бериши аниқланди.

3. MATLAB/Simulink дастурий муҳитида ҳар хил турдаги FACTS қурилмалари билан электр тармоқларининг симуляцион моделлари ишлаб чиқилди. Натижада электр тармоқлари режимларини самарали бошқариш, ростлаш ва оптималлаштирувчи таъсирларни амалга ошириш, энергетика тизимини бошқариш ва ишлаш самарадорлигини ошириш учун FACTS қурилмаларининг асосий турларини қўллаш имкониятлари аниқланди.

4. FACTS қурилмали электр тармоқлари учун қувват оқимларини ҳисоблашнинг математик моделлари ишлаб чиқилди. Натижада FACTS қурилмалари тармоқнинг динамик характеристикалари, кучланишларни ростлаш диапазонлари, актив ва реактив қувватларга таъсир кўрсатиш имконини бериши аниқланди.

5. Ишлаб чиқилган алгоритм ва электр режимларини тугун кучланиш тенгламалари билан ҳисоблаш дастури тармоқнинг барқарор режими параметрларини аниқлашни таъминлайди. Натижада ушбу параметрлардан фойдаланиш энергетик тизимининг кучланишлари меъёрий қийматлардан оған узелларини аниқлаш, тармоқ элементларида қувват оқимлари ва йўқотишларини ҳисоблаш имконини беради.

6. Бажарилган тест ҳисоблашлари FACTS қурилмаларининг ишлаш самарадорлигини ва уларнинг тармоқ режим параметрларига сезиларли таъсирини кўрсатди. Натижада 32 узелли схема учун электр тармоғида актив қувват йўқотилиши 35 МВтни ташкил этган бўлса, FACTS (умумий қуввати 305 МВАр бўлган STATCOM ва SVC) қурилмаларини жорий этиш орқали актив қувват йўқотилиши 29 МВт гача ёки 17% га камайиши аниқланди.

7. Ўзбекистон энергетика тизими Тахиатош худудининг оғирлашган ва нормал режимларини ҳисоблаш натижасида қувват исрофларини камайтиришга эришилди ва Беруний подстанциясида FACTS ўрнатишнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагича эканлиги аниқланди:

1044 млн сўм/ой, кучланиш тебраниши $\pm 10\%$ режимида (қурилманинг қуввати 200 МВАр);

93,6 / 117 млн сўм/ой, кучланиш тебраниши $\pm 5\%$ режимида (20 МВАр).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА НАУК DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 ПРИ ИНСТИТУТЕ
ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН**

**ИНСТИТУТ ПРОБЛЕМ ЭНЕРГЕТИКИ
АКАДЕМИИ НАУК РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ТАНИРБЕРГЕНОВ РАСУЛБЕК МУРАТБЕКОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭНЕРГОЭФФЕКТИВНОСТИ ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ
СИСТЕМ НА ОСНОВЕ УСТРОЙСТВ РЕГУЛИРОВАНИЯ МОЩНОСТИ**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

Ташкент – 2025

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан мером В2022.1.PhD /Т2677.

Диссертация выполнена в Институте проблем энергетики Академии Наук Республики Узбекистан.

Автореферат диссертации размещён на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на сайте Научного совета (www.energetika.uz) и в Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Хамидов Шухрат Вахидович доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Худаяров Музаффар Бурханович доктор технических наук, профессор Юсупов Дилмурод Турдалиевич доктор философии по техническим наукам, старший научный сотрудник
Ведущая организация:	Ферганский политехнический институт

Защита диссертации состоится «20» февраля 2025 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.12.2021.Т.143.01 при Институте проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 40. Тел./факс: (99855) 520-01-52, e-mail: energetika_in@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института проблем энергетики Академии Наук Республики Узбекистан (регистрационный номер 1). (Адрес: 100125, г. Ташкент, ул. Дурмон йули, 40. Тел./факс: (99855) 520-01-52, e-mail: energetika_in@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «13» февраля 2025 года.

(протокол рассылки № 10 от «12» февраля 2025 года)



Х.М. Муратов

Председатель научного совета по присуждению ученой степени, доктор технических наук, профессор.

Ж.Н. Толипов

Ученый секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, доктор философии (PhD) по техническим наукам, старший научный сотрудник.

О.Х. Ишназаров

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученой степени, доктор технических наук, профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мире одним из важных факторов энергоэффективности энергетических систем является повышение уровня управления электрическими режимами посредством интеллектуального воздействия на параметры энергосистемы, а разработкам новым принципам воздействия на параметры электрических сетей придается особое значение. В настоящее время в развитых странах мира «...потери электроэнергии из-за нерационального распределения мощностей в электрических сетях в среднем составляют от 10-15% от общего объема потребляемой электроэнергии»¹. В связи с этим особое внимание уделяется разработке методов и алгоритмов снижения потерь энергии на основе технологии гибких систем электропередачи с внедрением современных устройств регулирования параметров электрических сетей.

В мире проводятся научные исследования, направленные на повышение энергоэффективности и надёжности в процессе передачи активных и реактивных мощностей, а также улучшения управляемости энергосистемы. В этом направлении, в частности приоритетными считаются исследования по разработке новых алгоритмов и методов для управления напряжением, снижения потерь электроэнергии. В то же время актуальными задачами являются разработка и применение новых технологий и систем, способных повысить эффективность и надёжность работы электрической системы, вопросы интегрирования технологии гибких управляемых систем электропередач (Flexible AC Transmission Systems – FACTS) с современными технологиями, как Smart-Grid (умные сети) и ВИЭ, влияющих на развитие электроэнергетики в целом.

В республике проводятся масштабные мероприятия по повышению эффективности использования энергоресурсов, созданию и совершенствованию новых технологических решений и их внедрению в целях снижения себестоимости продукции. В стратегии развития Узбекистана на 2022-2026 годы поставлены задачи, в том числе «Бесперебойное обеспечение экономики электроэнергией, активное внедрение технологий «Зеленой экономики» во все сферы, увеличение энергоэффективности на 20 процентов»². При реализации этих целей, в частности, считается важным проведение научно-исследовательских работ, направленных на решение задач повышения энергоэффективности и надёжности за счет регулирования передаваемых мощностей в электрической сети.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит для практического выполнения задач, поставленных Указами Президента Республики Узбекистан № УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии

¹IEEE (Institute of Electrical and Electronics Engineers) — это крупнейшая в мире профессиональная организация, объединяющая специалистов в области электроники, электротехники, компьютерных технологий, телекоммуникаций, автоматизации и смежных дисциплин. Организация также занимается разработкой технических стандартов и поддерживает инновации через исследовательские и образовательные инициативы.

²Указе Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы».

действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», № УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», № УП-166 от 28 сентября 2023 года «О мерах по проведению очередного этапа реформирования сферы энергетики», и Постановлениями № ПП-4422 от 22 августа 2019 года «Об ускоренных мерах по повышению энергоэффективности отраслей экономики и социальной сферы, внедрению энергосберегающих технологий и развитию возобновляемых источников энергии», № ПП-307 от 6 июля 2022 года «Об организационных мерах по реализации стратегии инновационного развития Республики Узбекистан на 2022 - 2026 годы», а также другими нормативно-правовыми документами, связанных с деятельностью объектов энергетики.

Соответствие исследований приоритетам развития науки и технологии республики. Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики, предусмотренными в разделе 2: «Энергетика, энергосбережение и альтернативные источники энергии».

Степень изученности проблемы. В ведущих научных центрах и высших образовательных учреждениях мира ведутся масштабные исследования по обеспечению энергоэффективности и надёжности энергосистем с применением технологии FACTS, в том числе в Институте систем энергетики имени Меленчёва (ИСЭМ) СО РАН, НИУ «МЭИ» (Россия), Ивановском государственном энергетическом университете» (Россия), Electric Power Research Institute и University of Michigan (США), Stafford shire University (ОБ), Tampere University, Pirkanmaa (Финляндия), Unidad Guadalajara (Мексика), Институте проблем энергетики АН РУз, Ташкентском Государственном техническом университете.

Ряд ученых мира внесли свой вклад по повышению энергоэффективности, надёжности и управления режимами работы электрических сетей, в том числе: Веников В.А., Воропай Н.И., Мисриханов М.Ш., Рябченко В.Н., Ситников В.Ф., Розанов Ю.К., Руденко Ю.Н., Соколов Н.И., Чемборисова Н.Ш., Шакарян Ю.Г., Якимец И.В., Acha E., Akagi H., Andersson G., Hingorani N., Liu X., Santos E.V. и др.

Решению научных задач, направленных на разработку и совершенствование методов повышения энергоэффективности, надёжности, устойчивости, расчетов электрических режимов и их оптимизации, посвящены работы ученых Узбекистана: Фазылова Х.Ф., Захидова Р.А., Аллаева К.Р., Насырова Т.Х., Гайибова Т.Ш., Сытдыкова Р.А., Хамидова Ш.В., Шарипова У.Б., Худаярова М.Б., Мирзабаева А.М. В результате научных исследований достигнуты результаты по повышению управляемости режимов, энергоэффективности и надёжности электрических сетей с применением разработанных алгоритмов и методов управления для обеспечения устойчивого функционирования энергосистем. Однако, несмотря на значительные успехи, проведено недостаточно исследований по разработке и развитию методов применения современных устройств регулирования передаваемой мощности, а также влияние разного рода возмущений на энергоэффективность и надёжность

работы электрической сети, математических моделей и симуляционных моделей.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование осуществлялось в рамках научно-исследовательской программы Института проблем энергетики Академии наук Республики Узбекистан на 2022-2025 годы по теме «Разработка методических основ обеспечения надежности и безопасности развития энергетики».

